# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 2 апрель, № 65 (5232) Шанба


# ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЮКСАЛИШ ОМИЛЛАРИ

*Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 январдаги мажлисида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида иқтисодиётимизнинг ушбу етакчи секторини янада ривожлантириш борасида асосий вазифаларни белгилаб берар экан, мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигини алоҳида қайд этди.*

*Айни пайтда ишлаб чиқилаётган “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги қонун ана шунга кўмаклашишга қаратилгандир. Таҳририят Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Муҳаммаджон ТУРСУНОВдан мазкур қонун лойиҳасининг асосий мазмун-моҳияти хусусида сўзлаб беришни сўради.*

**Парламент ҳаёти**

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишида ишлаб чиқилаётган қонуннинг аҳамияти ва долзарблигини қайд этиш мақсадида яқин ўтмишга бир назар ташлаб, тадбиркорлар ўз ишини бошлаши учун зарур бўлган рухсатнома ва келишувни олишда қандай қийинчиликларга дуч келганини эслашнинг ўзи кифоя. Ушбу ҳужжатларсиз иш бошлаб бўлмаслигини барчамиз яхши тушунамиз. Зеро, тадбиркор ўз бизнеси билан шуғуллана туриб, амалдаги тартиб-қоидаларга риоя этмоғи, бошқаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиши зарурдир.

Аммо рухсат берувчи ҳужжатларни олиш кўплаб муаммолар билан боғланиб кетган эди. Маҳтал бўлиб кутилган рухсатнома қанчага тушганини тадбиркорларнинг кўпчилиги яхши эслашади. Чунки улар узоқ вақт мобайнида идоралар остонасида сарғайиб туришга, турли ҳужжатларни йиғишга, вақт, куч ва анчагина маблағ сарфлашга мажбур бўлишарди. Иш шу даражага борган эдики, ҳатто ҳар бир идора турли хил ички-идоравий буйруқ ва қоидалар чиқариб, ўзи тартиб ўрнатган эди. Ушбу меъёрий ҳужжатларнинг айримлари амалдаги қонунчилик нормаларига ҳам мувофиқ эмас эди.

У ёки бу турдаги рухсатнома ва келишувлар олишни тартибга солувчи қоида ҳамда меъёрларнинг шаффоф эмаслиги, шунингдек, ушбу ҳужжатларни берадиган органларнинг кўплиги қўшимча маъмурий тўсиқларни яратиб, Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатарди. Сир эмас, айрим амалдорлар юзага келган вазиятдан ўзининг шахсий ғаразли мақсадларида ҳам фойдаланган.

(Давоми 2-бетда).

**2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**

***Оилавий бизнесни кенгайтириш Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан биридир. Бугунги кунда миллий иқтисодиётимизда ушбу тармоқнинг роли мунтазам ортиб бормоқда.***

# ОИЛАВИЙ БИЗНЕС – МУҲИМ ДАРОМАД МАНБАИ

Мамлакатимизда 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши муносабати билан тегишли Давлат дастури қабул қилинди. Унда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базани танқидий баҳолаш ва такомиллаштириш, ушбу соҳадаги ислоҳотларни изчил ривожлантириш ва жадаллаштириш бўйича замонавий талабларга жавоб берадиган янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш муҳим вазифалар сирасига киритилган.

Ўзбекистонда халқимизнинг энг яхши миллий анъаналарини қайта тиклаш, жумладан, одамларнинг ҳунармандчилик ва хусусий бизнес юритиш кўникмаларини ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган. Бу борада оилавий бизнес ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ана шу кўникмаларини қўллаш ва ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашадиган самарали ташкилий-ҳуқуқий шакл бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида таъкидланганидек, мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан аҳоли ўртасида ўтказилган сўров ушбу тармоқнинг бугунги аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболларини аниқлашга бағишланди. Унда юртимизнинг барча ҳудудидан аҳоли қатламлари вакиллари иштирок этди.

Сўров қатнашчилари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ўз ривожланиш жараёнида жамиятимизда ижтимоий ҳамда сиёсий барқарорликнинг муҳим кафолатларидан бири бўлиб хизмат қилаётганини қайд этди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлатимиз ривожида алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. Мустақиллик йилларидаги тараққиётимиз мисолида шуни ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ҳамда преференциялар яратмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз.

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***БУХОРО. Жондор туманидаги “Бухоро қишлоқ қурилиш сервис” масъулияти чекланган жамияти пишиқ ғишт ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширди.***

## Тежамкор ускуналар шарофати

Бунинг учун банкнинг 1,2 миллиард сўм миқдоридаги кредитидан самарали фойдаланилди.

Эътиборлиси, корхонага ўрнатилган ихчам ва замонавий технологиялар ишлаб чиқариш жараёнига сарфланадиган табиий газни турдош корхоналарга нисбатан 30 фоизгача тежаш имконини бермоқда. Йилига 20 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мазкур корхонада элликка яқин иш ўринлари яратилди.

Умуман, жорий йилнинг ўтган уч ойида вилоятда ташкил этилган янги иш ўринлари сони 16 минг 400 тадан ошди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ХОРАЗМ. Тадбиркор Қудрат Раҳматуллаев Урганч шаҳрида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Хоразм лаззат” хусусий корхонаси фаолиятини йўлга қўйди.***

## Сармоя самара берди

Бунда унга банк томонидан ажратилган 150 миллион сўмлик кредит қўл келди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу корхонада ҳозир ойига тўрт турдаги 3,5 тонна, яъни 12 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда.

Эътиборли жиҳати, Урганч шаҳрида жорий йил бошидан буён шу каби 134 та янги тадбиркорлик субъекти фаолият бошлади.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***НАМАНГАНда республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан ташкил этилган “Энг яхши ахборот-ресурс маркази” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

## Энг яхши ахборот-ресурс маркази

Унда вилоятнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 14 та жамоа ўз имконият ва маҳоратларини намойиш этди.

Танлов якунига кўра, биринчи ўрин Уйчи туманидаги Ғайрат педагогика коллежи ахборот-ресурс маркази вакилларига берилди. Мингбулоқ туманидаги Довдуқ саноат-транспорт ва Чортоқдаги Ойқирон маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежлари жамоалари кейинги ўринларни эгаллашди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***АНДИЖОН. Хўжаобод туманидаги Бешкарам, Андижон, Янгичек, Бешқовоқ маҳаллаларига ичимлик суви қувурлари тортилди.***

## Хонадонларга — зилол сув

Бунинг учун “Андижонмахсуссувдренаж” масъулияти чекланган жамияти, “Алоқаинвест” акциядорлик жамияти сингари ташкилотлар томонидан 66 миллион 982 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Натижада ҳудуддаги 150 та хонадонни ичимлик суви билан таъминлаш имконияти юзага келди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Анжуман**

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш юзасидан амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилди.**

# ТАШАББУС ВА РАҒБАТ

Анжуманда таъкидланганидек, бугунги кунда ёшларимизнинг юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш йўлидаги интилишлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, тадбиркор ва ишбилармон ёшлар учун яратилаётган шарт-шароитлар кўплаб ташаббускор йигит-қизларнинг катта ютуқ ва марраларни қўлга киритишларида муҳим аҳамият касб этаётир. Бугун, айниқса, таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган чора-тадбирлар ўз самарасини бераётганлиги эътиборга моликдир.

— Бу борада “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ҳам кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танлов ва кўргазма-ярмаркалар ўтказилмоқда, — дейди Ҳаракат марказий кенгашининг Ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ва бандликка кўмаклашиш бўлими мудири Қувондиқ Муқимов. — Ушбу тадбирлар самараси ўлароқ, “Камолот”нинг вилоят, шаҳар ҳамда туман кенгашларига кўплаб тадбиркор ёшлар бизнес-режа ва лойиҳалари билан мурожаат этишмоқда. Энг муҳими, иқтидорли ёш тадбиркорларимизнинг бундай ташаббуслари ҳеч қачон беэътибор қолдирилмайди. Уларга ҳуқуқий жиҳатдан кўмак бериш, истиқболли лойиҳаларнинг амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш бизнинг асосий вазифамиздир.

(Давоми 2-бетда).

# ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

***Мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилган имтиёз ва имкониятлар туфайли янгилик яратувчи, доимий изланишдан чарчамайдиган ва эл-юртига фидойи ишбилармонлар сони тобора кўпаймоқда. Улар томонидан қишлоққа саноат олиб кирилиб, импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган бир қатор янги лойиҳалар амалга оширилгани, айниқса, таҳсинга сазовордир.***



**СУРАТДА:** тажрибали чилангар Абдираҳмон Йўлдошев.

**Модернизация**

Китоб туманидаги “Тегирмонмонтажсервис” масъулияти чекланган жамиятида маҳаллий хом ашё ҳисобига кунига 25 тоннадан 150 тоннагача буғдойни қайта ишлаш қувватига эга бўлган ун тегирмонлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилганлиги бунга мисол бўла олади. Тадбиркор Хуршид Раҳмонов раҳбарлик қилаётган мазкур жамиятда ун тегирмонлари учун эҳтиёт қисмлар ва бутловчи материаллар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Тумандаги Боғбон қишлоғида жойлашган бу мўъжаз цехда тайёрланаётган тегирмон жиҳозлари сифат борасида чет элдан келтирилаётган ускуналардан асло қолишмаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Корхонамизнинг асосий фаолияти тегирмонларни ўрнатиш ва таъмирлашдан иборат эди, — дейди Хуршид Раҳмонов. — Ўзим шу соҳа мутахассиси бўлганим учун тегирмоннинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш технологияси ҳамда йўл-йўриқларини яхши биламан. Шу боис корхонамизни кенгайтириш мақсадида яқинда қўшимча ишлаб чиқариш цехини ишга тушириб, буғдой элеваторлари, донни тозалаш сепараторлари, ун ва ҳаво ўтказувчи деталлар ҳамда бошқа 50 турдан ортиқ эҳтиёт қисмлар

(Давоми 2-бетда).

**Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари**

# ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИГА САЙЛОВЛАР

## жамиятни демократлаштиришнинг муҳим босқичидир

***Куни кеча парламент юқори палатаси Кенгашининг “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорга биноан, сайловлар 2011 йилнинг май — июнь ойларида ўтказилиши белгиланган. Айни чоғда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси ҳам тузилиб, ўз ишини бошлади.***

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш амалдаги қонунларимиз доирасида очиқ ва ошкора, умумэътироф этилган принципларга мувофиқ олиб борилиши таъминланади. Зотан, мазкур ижтимоий-сиёсий тадбирни муваффақиятли, қонуний тамойиллар асосида ўтказишга етарлича сайлов тажрибаси ҳам, ташкилий-ҳуқуқий негиз ҳам мавжуд. Дарҳақиқат, сайловларни мана шу шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда ўтказиш Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да белгилаб берилган вазифаларни рўёбга чиқаришда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, маҳалла қадимий ва ноёб, узоқ тарихий илдизга эга миллий нодавлат институтларидан бири бўлиб, мустақилликнинг дастлабки йилларидан Юртбошимиз раҳнамолигида унинг нуфузи, ҳуқуқ ва ваколатлари, жамият ҳаётидаги мавқеини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда маҳаллада демократик қадриятларни ўрнатиш, айниқса, жамиятни ислоҳ этиш ва янгилаш жараёнида унинг нуфузини оширишда демократик сайлов принципларига тўлиқ жавоб бера оладиган “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Маҳаллалар ушбу ҳужжатлар асосида фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида ўзини ўзи бошқаришнинг қуйи бўғинини амалга ошириб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

***Бугун юртимизнинг қай бир ҳудудига борманг, ажиб бир манзаранинг устидан чиқасиз: маданий-маиший иншоотлар, тураржой бинолари, йўллар, кўприклар қад ростлаяпти, боғу роғлар барпо этилиб, кўчаю хиёбонларга турли хил кўчатлар, анвойи гуллар экилаяпти.***

# «ФАРЗАНДИМ – БАХТИМ, ҒУРУРИМ»

Муҳими, бу эзгу ишларга барча бирдек ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу истиқлол берган буюк неъмат — тинч, осойишта ва фаровон ҳаётнинг одамларимиз онгу шуурига, тафаккурига олиб кирган бунёдкорлик хислатларининг амалдаги бир кўринишидир.

**Аскар уйига қайтди**

Баҳор нафаси қалбларимизга иliқлик олиб келган айни дамларда юртимиздаги жуда кўп хонадонларда яна бир хурсандчилик нишонланмоқда. Гап шундаки, бундан бир йил аввал катта орзу-умидлар билан фарзандини муддатли ҳарбий хизматга кузатган оталар энди дилбандларини кўксилари тоғ бўлиб, қарши олмоқдалар. Армиядан қайтган йигитларни йўқлаб келаётганларнинг ҳам кети узилмайди. Қўни-қўшнилар тандирдан эндигина узилган иссиқ нон, кўк сомсаю чучварадан аскар йигитнинг уйига узатишса, кимдир ширинликлар билан сийлашга ҳаракат қилади. Узоқ-яқиндан келган дўсту биродарлар эса ўғлонни бағрига босиб: “Яшавор, азамат, сендай фарзанд ўстирган ота-онангга раҳмат” дейишади. Бундай сўзлар ҳар қандай кишининг қалбини тоғдек кўтаради, албатта.

Йигитлик бурчини муваффақиятли ўтаб, резервга бўшатилганлардан бири — пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилувчи Камолиддин Камиловдир.

— Оилада икки қиздан кейинги ёлғиз ўғилман, — дейди у. — Саккиз йилдирки, спортнинг дзюдо тури билан шуғулланаман. Ўзимга бўлган ишончимнинг ортишида айнан спортнинг роли жуда катта бўлди. Танишларим, дўстларим орасида муддатли ҳарбий хизматга бориб келганлари кўп. Улар билан суҳбатлашиб, менда ҳам аскарликка бўлган ҳавас уйғонди. Ниятимни онамга айтдим.

(Давоми 3-бетда).

# ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИГА САЙЛОВЛАР

## жамиятни демократлаштиришнинг муҳим босқичидир

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айниқса, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг миллий сайлов тажрибамиз ҳамда умумэътироф этилган халқаро меъёрларга таянилган ҳолда, шаффоф, эркин ва қонунийлик шартлари остида очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан ўтказиб келинаётгани эътиборга моликдир.

Хусусан, қонунчилик билан кафолатланган сайловларнинг даврийлиги ва мажбурийлигини таъминлаш учун 2008 йилнинг 30 сентябрида Сенат Кенгашининг "Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қарори билан шу йилнинг ноябрь — декабрь ойларида республикамиздаги барча фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилди. Мазкур қарорга мувофиқ, сайловни ташкилий-сиёсий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш бўйича муайян чора-тадбирлар белгилаб олинди. Мамлакатимиздаги жами 10124 та фуқаролар йиғинининг ҳар бири ўз қарори билан сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларини тузиб, сайлов жараёнини ташкил этди. Сайловда 32633 нафар номзод орасидан 9880 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайланиб, ҳар бир фуқаролар йиғини раиси лавозимига ўртача ҳисобда 3,2 нафар талабгор тўғри келди. Булар маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчилари сайловининг муқобиллик асосида ўтганидан далолатдир. Энг муҳими, ушбу сайловлар мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш борасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга ўз ҳиссасини қўшиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳоли кундалик ҳаёти билан боғлиқ турли хил масалаларни жойларда бартараф этишдаги ролини кучайтиришда муҳим босқич бўлди.

Мазкур ижтимоий-сиёсий тадбирлар натижасида сайланган фуқаролар йиғинларининг ўн мингга яқин раис (оқсоқол)лари бугунги кунда маҳаллалар ҳаётига дахлдор бўлган масалаларни ижобий ҳал этишга бош-қош бўлиб келмоқдалар. Муҳими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш ва янада такомиллаштириш борасидаги ижобий тажрибалар хорижий мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Негаки, қишлоқ ва маҳалла йиғинлари фаолияти халқимизнинг азалий қадриятлари, урф-одатлари, одамларимизнинг маънавий-ахлоқий дунёқараши билан чамбарчас боғланиб кетган. Бу қадрият ва анъаналаримиз асосида эса Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, касб-корга содиқлик, эл ободлиги, юрт тинчлиги учун кураш каби фазилатлар мужассамдир. Маҳалланинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги устувор муваффақияти ҳам, аслида, шундадир.

Шу маънода айтганда, фуқаролар йиғинларига сайловлар жамиятни демократлаштиришнинг муҳим босқичи бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови кампанияси, табиийки, қатор ташкилий тадбирлар ўтказишни талаб қилади. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари қарорлари асосида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни тузиш билан бу тадбирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон фахрийларни қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудудий бўлинмалари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари ҳам жалб этилиши белгиланган. Улар ёрдамида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилади. Шунингдек, мазкур комиссиялар сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан шуғулланадиган ишчи гуруҳлар ахборотларини тинглаб боради ва тегишли амалий ёрдам кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, сайлов кампанияси бошланди. Бу ижтимоий-сиёсий тадбирни жойларда намунали ташкил этиш ва уюшқоқлик билан, айниқса, амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида ўтказиш бугунги кунда нуфузи тобора ортиб бораётган маҳалла институтининг мақомини янада юксалтириши, шубҳасиз.

**С. ОРТИҚОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзоси.**



# КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ АВЛОД

***Ёш авлодга эътибор бугун мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу борада ҳар бир шаҳар-қишлоқда, ҳар бир жабҳада яратиб берилаётган шарт-шароит ва беқиёс имкониятлар ёшларимизни янада юксак марралар сари руҳлантирмоқда.***

Фахр

— "Баркамол авлод йили"да Наманган шаҳрида "Ёшлар маркази"нинг фойдаланишга топширилиши вилоятимиз ёшлари учун муносиб совға бўлди, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси Равшанжон Йўлдошев. — Бу масканда ёшларимиз ўзлари қизиққан соҳани эгаллашлари, интеллектуал салоҳиятларини намоён этишлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

Дарҳақиқат, шаҳарнинг Алишер Навоий номи билан аталувчи кўчасида жойлашган бу муҳташам кошона аллақачон Наманган ёшларининг севимли масканларидан бирига айланиб улгурди. "Ёшлар маркази" эрталабдан кечгача йигит-қизлар билан гавжум. Бу ерга келаётганлар орасида нафақат шаҳарликларни, балки вилоятнинг чекка-чекка ҳудудларида яшовчи кўплаб ёшларни ҳам учратиш мумкин.

Марказга кираверишдаги фойенинг бир томонида қабулхона, яна бир тарафида эса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш маркази жойлашган. Фойе пештоқига Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир" деган сўзлари ёзиб қўйилган. Ёшларнинг қизиқишлари, эзгу ниятларини ифода этувчи деворий суратлар ҳам киши диққатини тортади.

Шу ердан катта залга кирилади. Зал ўз кўрки, маҳобати, бетакрор кўриниши, турфа ранглари, қулайликлари билан энг диди нозик одамни ҳам ҳайратга солади. 360 ўринли томоша зали юмшоқ ўриндиқлар, замонавий ёритқичлар ва овоз узатиш техникалари билан мукаммал жиҳозланган. Бу ерда компьютерлар ёрдамида лаҳзанинг ўзида "қор" ёки "ёмғир" ёғдириш, мавзуга доир тасвирларни намойиш этиш имконияти мавжуд.

— Томоша залимизда ёшлар иштирокида вилоят, шаҳар миқёсидаги турли анжуманлар, кечалар, учрашувлар, танловлар ўтказиш мумкин, — дейди марказ раҳбари Азизбек Позилов. — Куни кеча вилоят аълочилар анжуманини ҳам худди шу ерда ўтказдик.

Иккинчи қават тўгараклар учун мўлжалланган. Ҳозир бу ерда 12 та тўгарак фаолият кўрсатмоқда. Хорижий тиллар, компьютер саводхонлиги, ёш тадбиркор, инновацион лойиҳалар, тасвирий санъат, рақс тўгараклари, "Устоз — шогирд" мактаблари ёшлар билан ҳамиша гавжум.

— Марказимизда энг замонавий тасвирга олиш воситалари ўрнатилган, — дейди тўгарак раҳбари А. Қўчқоров. — Бу ерда ёшлар суратга олиш, видеомонтаж сирларини ўрганадилар. Тез-тез шу соҳа усталари, ижодкорлар билан учрашувлар ўтказиб турамиз.

Учинчи қаватда конференция зали ва тасвирий санъат галереяси жойлашган. "Фидойилар клуби" ҳам шу қаватда. Бинонинг энг қуйи қисмида кураш, бадиий гимнастика, қўл жанги, стол тенниси каби бир нечта спорт тўгараклари фаолият кўрсатмоқда.

— Бизга шундай шароитларни яратиб берган Юртбошимизга минг раҳмат! — дейди Наманган шаҳридаги 58-ихтисослаштирилган мактабнинг 9-синф ўқувчиси Меҳриноз Аббосова. — Дарсдан бўш пайтимда бу ерга келиб инглиз тилини ўрганаяпман. Биз бу ғамхўрликка жавобан фан чўққиларини эгаллаб, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишга, келажакда етук мутахассис сифатида жонажон Ўзбекистонимиз довруғини дунёга таратишга ҳаракат қиламиз.

Меҳриноз бу сўзи билан бутун наманганлик ёшлар фикрини ифодалагандек эди.

**Али ЗИЁДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАШАББУС ВА РАҒБАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, жорий йилда ҳам Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида барча шаҳар ва туманларда бўш иш ўринлари ярмаркалари мунтазам ташкил этилмоқда. Бу каби тадбирлар ёшларнинг ўзлари қизиққан йўналиш бўйича ишга жойлашишлари ва келгусида самарали меҳнат қилишларида муҳим аҳамият касб этаяпти.

Анжуманда ана шундай ижобий натижалар билан бир қаторда, галдаги муҳим вазифалар хусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, мамлакатимизнинг энг олис ҳудудларида истиқомат қилаётган ташаббускор ёшларнинг изланиш ва интилишларини моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириш масаласига эътибор, жойларда кичик бизнес мактабларини ташкил этишнинг аҳамияти каби долзарб масалалар юзасидан ОАВ вакиллари ҳамда мутахассислар ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

**Элдор МАДАТОВ.**

# ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ



**СУРАТДА:** тадбиркор Хуршид Раҳмонов ва ёш чилангар Умид Турсунов маҳсулот сифатини кўздан кечиришаяпти.

(Давоми. Боши 1-бетда).

тайёрлашни йўлга қўйидик. Бунда 40 минг АҚШ долларига хориждан 16 та замонавий дастгоҳ олиб келингани айни муддао бўлди. Ўтган давр мобайнида 60 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдик.

Айтиш мумкинки, туманимизда аввалданоқ ушбу соҳанинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада кейинги икки йил ичида тумандаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари қарийб 800 тага кўпайди. Шу соҳада банд бўлганлар сони эса 48 минг нафардан 54 минг нафарга ортди. Унинг 77 фоизи кичик бизнес тизимига тўғри келади. Бунда, табиийки, банклар томонидан ажратилган кредитлар 2010 йилда икки баробарга ошиб, 7,7 миллиард сўмни ташкил этгани, ишбилармонлар томонидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми эса 7,6 миллиард сўмдан 22 миллиард сўмга кўпайгани муҳим омил бўлди.

Вилоятда бу борадаги ижобий ўзгаришлар ҳисобга олиниб, уларни янада кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.**

# ОИЛАВИЙ БИЗНЕС — МУҲИМ ДАРОМАД МАНБАИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сўров давомида бугун мамлакатимизда ҳар тўрт оиладан бири оилавий бизнес билан шуғулланаётгани аниқланди. Яъни ҳар уч оиладан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирмоқда, ҳар олти оиладан бири савдо соҳасида меҳнат қилмоқда, ҳар саккиз оиладан бири ҳунармандчилик ҳамда кундалик эҳтиёж товарлари ишлаб чиқариш билан шуғулланаётир. Сўров маълумотларига кўра, оилаларнинг 6,5 фоизи транспорт хизматларини кўрсатиш соҳасида меҳнат қилмоқда. Оилавий бизнес тиббий, таълим, ҳуқуқий ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам ривожланмоқда.

Ижтимоий тадқиқот қатнашчилари ўз оилавий бизнесини амалга оширишга ёрдам бераётган мавжуд шарт-шароит ва қоидаларни ижобий баҳолайди. Сўралганларнинг 41,3 фоизи бу қоидалар оилавий бизнесни самарали ривожлантириш имконини бераётганини қайд этди.

Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда оилавий бизнес катта истиқболга эга эканини тасдиқлади. Айни пайтда иштирокчиларнинг 53,8 фоизи иқтисодиёт реал секторининг ушбу соҳасини кенгайтириш учун оилавий бизнес ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муайян қийинчиликларни бартараф этиш зарур, деб ҳисоблайди. Президентимиз ҳам "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да бу масалага алоҳида эътибор қаратган.

Сўров натижаларига кўра, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида яшаётган оилаларнинг учдан бир қисми келажакда ўз оилавий бизнесини йўлга қўйишни истайди. Уларнинг орасида қишлоқ аҳли шаҳарликларга қараганда 1,2 марта кўп. Сўров қатнашчиларининг аксарияти оилавий бизнесини умумий овқатланиш, ҳунармандчилик, савдо, қишлоқ хўжалиги, жумладан, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, хизмат кўрсатиш, тикувчилик ва бошқа соҳаларда ташкил этиш истагини билдирган.

Фуқароларимизнинг фикрича, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Концепцияга мувофиқ, оилавий бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базасини яратиш ҳуқуқий кафолатларни янада мустаҳкамлаш имконини беради ва ушбу соҳани жадал ривожлантириш шароитларини шакллантиради. Шунингдек, жойларда расмиятчилик ҳолатларига барҳам беришга кўмаклашади.

Мухтасар айтганда, "Оилавий бизнес: ривожланишнинг янги босқичи" мавзуида ўтказилган сўров мамлакатимиз аҳолиси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қонунчилик ташаббусларини тўлиқ қўллаб-қувватлашини кўрсатди. Чунончи, сўров натижаларига кўра, фуқароларнинг аксарияти (92,9 фоиз) "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да қайд этилган бизнеснинг янги шакли — оилавий бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий базасини қонуний белгилаш зарурлиги тўғрисидаги қоида миллий иқтисодиётимиз ва аҳоли фаровонлигини жадал юксалтиришда ўта муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎзА мухбири А. ИВАНОВА тайёрлади.**

# ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЮКСАЛИШ ОМИЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

**— Айни пайтга келиб мана шу муаммоларни ҳал этиш учун аниқ чора-тадбирлар кўрилди...**

— Худди шундай. 2003 йилнинг сентябридан бошлаб бу борадаги вазият тубдан ўзгара бошлади. Ўшанда ҳокимиятлар ҳузуридаги махсус инспекцияларда рухсатнома ва келишувлар олишни соддалаштириш учун "бир дарчага" тизими жорий этилди. Бу тизим тадбиркорларнинг идорама-идора сарсон юришига барҳам бериб, ҳужжатлар тўпламини битта жойда топширишга имкон яратди. Муҳими, барча қолган ишларни тегишли давлат органлари бажариши лозим эди. Янги тизим ўзининг ижобий жиҳатларига қарамай, бир қатор муаммоларни ҳал этолмади. Хусусан, "бир дарчага"да рухсатнома ва келишувларни олиш фақатгина тўртта рухсатнома турлари билан чекланган эди: иншоотларни қуришга; иншоотларни таъмирлаш ва фаолият йўналишини ўзгартиришга; тураржойларни нотураржой тоифасига ўтказишга; аукцион савдоларида харид қилинган ер участкаларида иншоотлар қуришга.

Айни пайтда "бир дарчага" доирасидан ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар, гигиеник сертификатлар олиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига мувофиқлиги ҳақида хулосаларни олиш сингари кўплаб рухсатнома ва келишувлар четда қолди. Тадбиркорлар ўзлари олишга мажбур бўлган мазкур ҳужжатларнинг бир қисмини янги тизимга киритиш ҳам мумкин эди.

Қолаверса, кўпчилик тадбиркорлар янги тизим бўйича рухсат берувчи гувоҳномаларни олиш муддати қонунчиликда кўзда тутилганидан узайиб кетишини таъкидлашган. Бу, ўз навбатида, ташкилий ишлар вақтини кечиктириб, улар бизнесининг ривожланишига таъсир кўрсатарди. Бундан ташқари, тадбиркорлар томонидан яна кўплаб эътирозлар билдириларди. Хусусан, уларнинг фикрича, талаб қилинадиган рухсатнома ва келишувлар сони ҳаддан ташқари кўп бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам асослаб берилмасди.

2005 йилнинг сентябрида Президентимизнинг "Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ, 12 та рухсатнома, хусусан, талаб юқори бўлган чакана савдога рухсатнома бериш бекор қилинди. Кенг тарқалган рухсатномалардан яна бири — улгуржи савдо билан шуғулланиш учун рухсатнома бир марталик бериладиган лицензияга алмаштирилди. Бекор қилинган рухсатномалар сифатида эскирган деб топилган, яъни сархил мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишга ёхуд бошқа маъмурий жараёнларни такрорлайдиган, шу жумладан, маҳсулотга мувофиқлик сертификати берилиши асосий тамойил бўлган айрим турдаги маҳсулотлар рекламасига, шунингдек, бозор принципларига тўғри келмайдиган ёки ўрнини босадиган, дейлик, кичик ва ўрта корхоналарда табиий газдан фойдаланиш учун бериладиган рухсатномалар тан олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги 3557-сонли фармойишига мувофиқ, ҳукуматга "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тақдим этиш топширилган. Қонун лойиҳасида тадбиркорлик субъектлари рухсатнома олиши зарур бўлган ҳаракат ва фаолиятларнинг, шунингдек, рухсатнома берувчи давлат муассасалари томонидан тақдим этиладиган аниқ ва содда ахборотларнинг тўла рўйхати қамраб олинган, тадбиркорлар рухсатнома олиши керак бўлган ҳаракат ва фаолиятларнинг муайян рўйхати тузилган. Ҳозирги кунда бундай қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, у депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари, бизнес-доира вакиллари иштирокида кенг муҳокамадан ўтмоқда.

**— Муҳаммаджон Бахтиёрович, қонун лойиҳасида белгиланган тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсатноманинг асосий принциплари, шунингдек, унда ўз ифодасини топган айрим асосий қоидаларни ҳам шарҳлаб берсангиз.**

— Қонун лойиҳасида юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқи, қонуний манфаатларини, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва атроф табиий муҳитни ҳимоялаш ҳамда рақобатни чеклашга қаратилган ножўя қоида ва нормалар ўрнатилишининг олдини олиш, рухсатнома тартиб-қоидаларининг шаффофлиги, очиқ-ошкоралиги ва ҳамма учун тушунарли бўлиши, кимга бўйсунишидан қатъи назар, барча ваколатли органлар томонидан тадбиркорликни юритиш учун зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни олишда "бир дарчага" принципига амал қилиниши, рухсатномаларда ҳамма учун бир хил талабларнинг қўйилиши кўзда тутилади. Шунингдек, қонун лойиҳасида рухсатномаларга доир қонунчиликда ечими мушкул бўлган мавжуд барча тафовутлар ва ноаниқликларни тадбиркорлик субъектлари манфаатини кўзлаб ҳал этишга доир муҳим норма ҳам таклиф этилган. Қонун лойиҳасида ваколатли органларнинг мажбуриятлари аниқ белгиланган.

Унда кўрсатиб ўтилганидек, ваколатли орган тадбиркорларга рухсатнома бериш, қайта расмийлаштириш, муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш, ҳаракатдан тўхтатиш, бекор қилиш ҳақидаги аризаларини қабул қилиш ва кўриб чиқишга мажбурдир. Ёки қонун асосида белгиланган муддатларда уларга рухсатнома бериш ёхуд рухсатнома беришни асосли равишда рад этиш масаласини ҳал қилиш ҳамда рухсат берувчи ҳужжатлар реестрини юритиш, шу жумладан, уларни расмий сайтларга жойлаштириш талаб этилади.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасида ваколатли органнинг тадбиркорлар учун қулай шарт-шароит яратиш, жумладан, тадбиркорлик субъектларининг оғзаки ва ёзма мурожаатларига бепул тўлиқ маълумот бериш, рухсатнома масалаларига оид малакали йўл-йўриқлар кўрсатиш, мазкур ҳужжатларни расмийлаштиришга доир барча жараёнлардан уларнинг тўсиққа учрамасдан ўтишини таъминлаш, тегишли ҳужжатларни тайёрлашда уларга кўмаклашиш бўйича масъулиятли эканлиги ҳам кўрсатиб ўтилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қонун лойиҳасида кўзда тутилишича, агар ҳозиргача бир ваколатли органдан рухсат берувчи ҳужжатни олиш учун унга бошқа ваколатли орган томонидан бериладиган рухсатномани тақдим этиш талаб қилинган бўлса, энди мазкур ваколатли орган зарурий ҳужжатларни бошқа ваколатли органдан мустақил равишда олади. Яъни "бир дарчага" тизими тадбиркорни ҳар хил маъмурий идоралар бўйлаб овора бўлишдан халос этади.

**— Қонун лойиҳасида рухсатнома берилишининг яна қандай жиҳатлари кўзда тутилган?**

— Мазкур қонун лойиҳасига кўра, ушбу тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низомлар билан белгиланади. Шу билан бирга, рухсатнома бериш жараёнларини тартибга соладиган низомларда бевосита тадбиркорлик субъектининг муайян фаолият билан шуғулланишини тасдиқлайдиган ҳужжатларгина рухсатнома олиш учун йўл очадиган зарурий ҳужжат сифатида эътироф этилади. Бундай ҳужжатларнинг бўлмаслиги эса юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлиги ва атроф табиий муҳитга зарар етказиши мумкин. "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг яна бир жиҳати шундан иборатки, унда қонунда кўзда тутилган рухсат берувчи бир қатор ҳужжатлар (жумладан, кўчма савдога рухсат бериш, фискаль-хотирали назорат-касса машиналари қайдномаси, "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси назоратидаги объектларда электр қурилмаларини тузатиш ишларига рухсатнома, қассобликни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома, муҳр ва штампларни йўқ қилиш тўғрисидаги квитанция ва бошқалар) бўйича рухсат тадбиркорлик субъекти ваколатли органга ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни тақдим этган вақтдан бошлаб берилади, деб ҳисоблаш таклиф этилади. Бундай ҳолда қабул қилинган санаси кўрсатилган ҳужжатлар рўйхати нусхасининг ўзиёқ тегишли фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Яъни тадбиркор ваколатли органларга талаб қилинган ҳужжатлар тўпламини топшириб, уларнинг қабул қилинган санаси кўрсатилган рўйхатнинг нусхасини олган вақтданоқ, рухсатнома берилишини пойлаб ўтирмасдан, муайян ҳаракатларни бошлаши ёки ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин бўлади.

Шунингдек, қонун лойиҳасига киритилган нормага мувофиқ, тадбиркорлик субъектларидан рухсат бериш жараёнидан ўтишни тартибга солувчи қонун ҳамда низомларда кўзда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди. Улар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар барча ҳолатларда ҳақиқий, деб ҳисобланади. Агар ваколатли органда унга тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотнинг ҳақиқийлигига асосли шубҳа туғилса, у мустақил равишда ўз ҳисобидан белгиланган тартибда тадбиркор нотўғри ахборот тақдим этганлигини исботлаши керак.

Шу маънода айтганда, тадбиркор тақдим этилган барча маълумотларнинг ҳақиқийлиги учун шахсий жавобгарлигини тушуниб, бу ишончни оқлай олмаса, қонун олдида жавоб беришини яхши англаб етади. Бу билан ваколатли орган ва тадбиркор ўртасидаги муносабатда муайян ишончни шакллантириш назарда тутилмоқда.

**— Қонун лойиҳасида сиз суҳбатимиз аввалида айтиб ўтган, кўплаб тадбиркорлар илгари дуч келган қийинчиликлар билан боғлиқ масалаларни қандай ҳал этиш таклиф этилмоқда?**

— Мисол учун, қонун лойиҳасида тадбиркорларнинг аризаларини кўриб чиқиш ва уларнинг барча рухсат берувчи жараёнлардан ўтиш муддатларини аниқ белгилаб қўйиш назарда тутилаётир. Яна бир мисол. Қонун лойиҳасида рухсатнома ҳужжатини беришда рад қилиш асослари кўрсатиб ўтилмоқда. Бундай ҳужжатларни беришда қонунда кўрсатилмаган асослар, чунончи, "Мақсадга мувофиқ эмас", деган сабаб билан рад қилишга йўл қўйилмайди.

Агар тадбиркор рухсат берувчи ҳужжатни беришда рад жавобини олса, бу ўз бизнесини тўхтатиши керак, дегани эмас. Рухсатнома беришни рад қилиш сабаблари қайд этилган ёзма билдириш хатида тадбиркор ушбу масалаларни ҳал этиб, ҳужжатларни қайта топшириш мумкинлиги назарда тутилган муддат ҳам кўрсатилиши лозим. Яқингача тадбиркорлар рухсат берувчи ҳужжатларни қайта расмийлаштириш, уларнинг дубликатини олиш, ваколатли органларнинг фаолиятни тўхтатиш ҳамда тугатиш, шунингдек, рухсат берувчи ҳужжатни бекор қилишга доир қарорлари билан боғлиқ бир қатор муаммо ва масалаларга дуч келаётган эдилар. Қонун лойиҳасида бундай масалалар пайдо бўлганда, ваколатли органлар қандай асосларга, қанча муддатда, қайси ҳужжатларга асосан, қай тарзда ҳаракат қилиши лозимлигини батафсил қайд этиш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, қонун лойиҳасида тадбиркорлик субъектлари рухсат берувчи жараёнлардан ўтиши ва рухсат берувчи ҳужжатларни олиши лозим бўлган ҳаракат ва фаолият турларининг тўлиқ рўйхати акс эттирилмоқда. Шундай қилиб, "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун шарт-шароитларни яхшилашда яна бир муҳим қадам бўлади.

**Сергей ЛИ суҳбатлашди.**

ЖАҲОН 24 соат ичида

## Вертолёт ҳалокатга учради

***Гавайи оролларида АҚШ денгиз ҳарбий пиёда аскарлари қўшинларига тегишли вертолёт ҳалокатга учради, дея хабар тарқатди "CNN" телеканали.***



"CH-53D Sea Stallion" русумли мазкур ҳаво транспорти воситаси фалокатга йўлиққан вақтда унинг бортида тўрт нафар ҳарбий бўлган. Улардан бири ҳаётдан кўз юмган, уч нафари эса тан жароҳати олган. Шунингдек, вертолётнинг бакига шикаст етгани туфайли океанга 1,5 минг литр ёнилғи тўкилиб кетган. Айни пайтда уммоннинг ўша ҳудудини тозалаш ишлари олиб борилмоқда.

Воқеа сабаблари ҳақида маълумотлар йўқ.

## Қонунбузарлар тўхтатиб қолинди

***Индонезия пойтахти Жакарта шаҳридаги аэропортда 40 та бўғма илонни мамлакатдан олиб чиқишга уринганлар ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан тўхтатиб қолинди.***

Аэропорт маъмурияти вакилининг айтишича, Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрига йўл олаётган самолёт йўловчиларидан икки нафарининг ҳаракатлари божхоначиларда шубҳа уйғотган. Уларнинг юклари текшириб кўрилганда, ноқонуний ишга қўл урганликлари аниқланди. Мамлакат қонунларига кўра, бундай жиноятчиликни содир этганлар етти йилгача озодликдан маҳрум қилиниши ва 32 минг АҚШ доллари миқдорида жаримага тортилиши мумкин.

## Шамол энергиясининг аҳамияти

***Жорий йилнинг март ойида Испанияни электр энергияси билан таъминлашда шамол электр станциялари (ШЭС)нинг улуши салмоқли бўлган.***



Хусусан, бу даврда умумий истеъмол ҳажмининг 21 фоизи ана шу усулда олинадиган энергия ҳисобига тўғри келган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5 фоиз юқори кўрсаткичдир. Албатта, муқобил манба ортиқча сарф-харажатларни тежаш имконини берди. Чунки шамол ёрдамида электр энергияси ҳосил қилиш катта маблағни талаб этмайди. Шунингдек, бу атроф-муҳитга зарар етказмаслиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, жаҳонда шамол энергияси соҳаси бўйича АҚШ етакчи ўринда туради. Европада эса энг кўп ШЭСлар Германия ҳудудида бунёд этилган. Кейинги вақтларда мазкур қитъада бундай турдаги муқобил энергия манбасини оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, 2010 йилнинг охирида Данияда бир вақтнинг ўзида 200 минг хонадонни электр энергияси билан таъминлаш имкониятига эга ШЭС бунёд этилган эди.

## Қуёшдан қувват олади

***Швейцариялик аэронавт Бертран Пикар қуёш батареяларида учувчи "Solar Impulse" номли самолёт намунасини яратган эди.***

Ташқи кўриниши "Boing-747" лайнерига ўхшаб кетувчи мазкур самолёт Цюрих шаҳридан унча узоқ бўлмаган аэродромда намойиш этилган. Лайнер қанотларига вазни тўрт юз килограмм келадиган ўн икки мингта қуёш батареяси жойлаштирилган. Унинг тўртта двигатели кечаси ҳам ўн от кучи билан ишлай олади. Самолёт тўхтовсиз 36 соат учиши мумкин.

Бертран Пикар мазкур самолёти билан 2012 йилда Ер шари бўйлаб парвозга чиқишни кўзламоқда.

## Энг узун кўприк

***"Синхуа" ахборот агентлигининг хабар беришича, Хитойда дунёдаги энг узун кўприк қуриб фойдаланишга топширилди.***

Узунлиги 36 километрга тенг бўлган мазкур ноёб иншоот мамлакатнинг молиявий ва тижорат маркази ҳисобланган Шанхай ҳамда саноат тараққий этган Кигнбони шаҳарларини бир-бирига боғлайди.

Кўприкни барпо этишга беш йилдан зиёд вақт сарфланди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# «ФАРЗАНДИМ – БАХТИМ, ҒУРУРИМ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Жуда тўғри ўйлабсан, ўғлим, армия одамни тарбиялайди, етук инсон бўлиб етишишига ёрдам беради. Мен сен билан фахрланаман", деганларида ўзимда йўқ хурсанд эдим. Ҳақиқатан ҳам, ўтган бир йил давомида фикрларим, дунёқарашим анча кенгайди. Тартиб-интизомга амал қилишга, вақтни қадрлашга ўргандим. Ҳарбий тайёргарлик машғулотларидан сўнг, имкон бўлди дегунча китоб, газета, журнал ўқирдим.

— Дзюдо билан шуғулланган экансиз, ҳарбийлар ўртасидаги спорт мусобақаларида ўзингизни синаб кўрмадингизми? — сўраймиз Камолиддиндан.

— Синаб кўрдим, лекин дзюдода эмас. Стол теннисига ҳам ишқибозлигим бор. Округимиз миқёсида шу спорт тури бўйича ўтказилган турнирда иштирок этиб, учинчи ўринни олдим. Бундан ташқари, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий қисмимизда тош кўтариш баҳси бўлиб ўтди. Унда ғолибликни қўлга киритдим.

— Келгуси режаларингиз қандай?

— Муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаганим учун ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга бўлдим. Бу олий ўқув юртига ўқишга кириш учун катта имконият, имтиёз деганидир. Ниятим, Тошкент автомобиль-йўллар институти талабаси бўлиш. У ерни муваффақиятли тамомласам, ҳарбий соҳада фаолият юритмоқчиман.

Камолиддин билан суҳбатлашиб, унинг хушмуомалалиги, вазминлиги, ҳар бир гапнинг мағзини чақиб, кейин ўз фикрини ифода этишидан мамнун бўлдик.

Дарҳақиқат, армияга бежиз "ҳаёт мактаби", дея таъриф беришмайди. Ушбу мактабни ўтаганлар ҳаётда ўз йўлини топиб, элнинг эътиборида бўлади.

Тошкент вилоятининг Келес қўрғонидаги Юсуповлар хонадонида ҳам ўзгача шодиёна. Тўлқин ака ва Дилбар опанинг ўғли Фаррухжон муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, бағриларига қайтди.

— Фарзанд тарбияси нозик масала, — дейди Тўлқин ака. — У ота-она зиммасига катта масъулият юклайди. Айни пайтда таълим-тарбия жараёнига давлат миқёсида эътибор қаратилса, эзгу ниятлар рўёбга чиқиши осонлашади. Шу хусусда гап кетганда, биз доимо мустақиллигимизга шукрона келтирамиз, болаларимизга "Менинг фарзандларим" дея меҳр кўрсатаётган Президентимизга чексиз миннатдорлик билдирамиз. Чунки истиқлол шарофати билан ўғил-қизларимизнинг билим олиши, жисмоний чиниқиши, маънавий жиҳатдан камолга етиши учун жуда катта шарт-шароит яратиб берилмоқда. Мактаб, коллежлардаги имкониятларни айтмайсизми? Муҳташам бино, бугунги замонга мос таълим тизими, ҳаммаси ажойиб.

Фаррухжоннинг нияти Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кириш. Ҳарбий қисм қўмондонлигидан олинган тавсиянома мавжуд имтиёздан фойдаланишига ёрдам беради. Биз ота-оналар фарзандларимизга бахт ва омад тилашдан чарчамаймиз. Яхши инсон бўлиб, эл корига яраса, бундан ортиқ хурсандчилик йўқ.

Қуролли Кучларимиз сафида ўз бурчини аъло даражада ўтаб, яқинлари ишончини оқлаганлардан яна бири Чирчиқ шаҳрилик Аброр Аҳроровдир. Унга бугун тенгқурлари ҳавас билан қарашмоқда.

— Аброр мактабда, коллежда анча тиришқоқ эди, — дейди аскарнинг яқин дўсти Элёр Алматов. — Кўнгли очиқ йигит бўлгани учун ҳам суҳбатлашиб зерикмасдик. Ёлғиз қолган пайтларимизда ниятларимизни бир-биримизга айтардик. У ҳарбий бўлмоқчи. Мақсадига эришишига ишонаман. Чунки билимли, жисмонан бақувват. Спортнинг қўл жанги тури билан тўрт йилдан бери шуғулланади. Мана, муддатли ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаб келди. Армиядан қайтганидан сўнг юриш-туриши, дунёқараши анча ўзгарганини сездим. Ҳарбий йўналишдаги олий ўқув юртига ўқишга кириш учун тайёргарликни бошлаб юборди.

— Аскарлик киши ҳаётидаги энг муҳим босқич ҳисобланади, — дейди Аброр Аҳроров. — Бунга мен ўз ҳаётим мисолида гувоҳ бўлдим. Муддатли ҳарбий хизмат даврида компьютер, маънавият хоналарида билимимизни мустаҳкамлаган бўлсак, энг сўнгги ҳарбий техника ва технологиялар ёрдамида ҳарб илмини ўргандик. Мақсадим, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш, устозларим, яқинларим ишончини оқлаш. Бу йўлда биз, ёшларга катта имкониятлар яратиб берилган. Ундан унумли фойдаланиш ўз қўлимизда.

Дарҳақиқат, аскарларнинг кейинги ҳаёти давлатимизнинг доимий эътиборида. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар ишга жойлашиши ва олий ўқув юртларига ўқишга кириши бўйича қатор имтиёзлар белгиланган. Хусусан, Президентимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқаролар республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл олиш имкониятига эгалар. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати эса ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабаларга, улар ўқиш давомида фаоллигини намоён этса, контракт суммасининг 35 фоизини моддий ёрдам тариқасида тўлаб беради. Ҳозирги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртларида армия сафларида мардлик ва жасорат мактабини ўтаган, жанговар ҳамда сиёсий тайёргарликда юксак натижаларга эришган минглаб ёшларимиз таълим олмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятимизда ҳарбий хизматга бўлган ишонч ва ҳурмат туйғусининг юксалиб бориши Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг амалдаги самараларидир. Зеро, юрт тараққиёти, эл тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашда шу ишонч муҳим аҳамиятга эгадир.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

***қуйидаги танлов муддати тугаган ва бўш (вакант) кафедра мудири, профессор-ўқитувчи лавозимларига шартнома асосида қабул қилиш бўйича танлов эълон қилади:***

* **Шарқ тиллари кафедраси:** доцент — 1, катта ўқитувчи — 3.
* **Информатика ва ахборот технологиялари кафедраси:** доцент — 1.
* **Ислом ҳуқуқи кафедраси:** кафедра мудири, ўқитувчи-ассистент — 1.
* **Халқаро иқтисодий муносабатлар кафедраси:** катта ўқитувчи — 1.
* **Ғарб тиллари кафедраси:** ўқитувчи-ассистент — 1.
* **Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО кафедраси:** катта ўқитувчи — 1.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

- *ректор номига ариза;*
- *ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа ва таржимаи ҳол;*
- *олий маълумоти, илмий даражаси ва унвони ҳақидаги дипломлар, малака оширгани ҳақидаги гувоҳнома нусхалари;*
- *илмий ишлари рўйхати;*
- *танловдан ўтаётган шахснинг фаолияти ҳақида ҳисобот;*
- *профессор-ўқитувчилар дарсини ўрганиш сифат комиссиясининг хулосалари;*
- *кафедранинг профессор-ўқитувчи фаолияти, очиқ дарслари таҳлили муҳокамасига бағишланган мажлиси қарори.*

***Танлов муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.***

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 244-00-91, 244-95-99.**

463R/353

**«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Андижон вилояти филиали**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Избоскан тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 2 мартдаги 1-107/07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Избоскан тумани Қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежидаги умумий майдони 295,24 кв.м.дан иборат бўлган ошхона биноси такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 106 933 365 сўм.

***Аукцион савдоси 2011 йил 21 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган мулк билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асака» банки вилоят бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000200571452003, МФО: 00069, СТИР: 200933850.

**Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй. Телефон: (8-374) 224-48-53.**

www.rkmb.uz

*Лицензия: DB 001 № 000004.*

462R/

# ЗАМОНАВИЙ ПОЧТА ХИЗМАТИ

## тезкорлиги ва қулайлиги билан элга манзур бўлмоқда

***Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган техник ва технологик янгиланишлар барча соҳалар қатори почта хизмати сифатини ҳам тубдан яхшилаш, тизим фаолиятини замон талаблари асосида ташкил қилишни тақозо этмоқда. Айни пайтда мазкур соҳага илғор технологияларнинг жорий қилинаётгани юртдошларимизнинг замонавий қулайликлардан баҳраманд бўлишлари учун кенг имконият яратаётир.***

"Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти Қорақалпоғистон филиали жамоасининг ҳам бу борада амалга ошираётган ишлари эътиборга лойиқ. Жумладан, ўтган йилдан бошлаб шу кунга қадар филиалнинг барча алоқа тармоқларига 127 дона терминал ўрнатилди. Шундан 56 тасини кўчма терминаллар ташкил этади. Бу эса матбуот нашрларига обунани расмийлаштириш, коммунал тўловларни амалга оширишда аҳолига қўшимча қулайликлар туғдирмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда филиалга қарашли барча алоқа тармоқларида электрон пул жўнатмаларини амалга ошириш йўлга қўйилгани диққатга сазовордир. Уяли алоқа компаниялари билан тузилган шартномаларга мувофиқ эса аҳоли дилерлик хизматидан ҳам фойдаланаётир.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги "2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш Дастури

**Жараён**

тўғрисида"ги қарори асосида ўтган йили филиал тармоқлари 35 та янги компьютер билан таъминланди, — дейди "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қорақалпоғистон филиали директори Баҳодир Машарипов. — Уларга алоқа хизмати учун зарур бўлган замонавий электрон дастурлар ўрнатилган. Қолаверса, айни пайтда Тўрткўл почта алоқа тармоғи биносини мукаммал таъмирлаш ишлари ҳам ниҳоясига етказилмоқда. Жорий йилда бундай бунёдкорлик ишлари яна 5 та бўлимимизда амалга оширилади. Бинобарин, шу кунларда "Почта алоқаси тармоғини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш" лойиҳасини ҳаётга татбиқ этаяпмиз. Мазкур лойиҳанинг 2011 — 2012 йилларга мўлжалланган навбатдаги босқичида филиалнинг 16 та бўлими янги жиҳозлар билан таъминланади.

Жорий йилнинг мамлакатимизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши филиал жамоасини ҳам ташаббускорликка чорлади. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни 30 фоизга кўпайтириш ва шу ҳисобдан уларнинг нархларини 20 фоизга арзонлаштириш бўйича ҳукуматимиз томонидан белгиланган чора-тадбирларга мувофиқ, филиал томонидан Нукус туманида 5 гектарлик мевали боғ ташкил этилган бўлса, Чимбой туманида 40 бош қорамол, 4 мингта зотдор товуқ парвариш қилиш, Амударё туманида эса балиқчиликни йўлга қўйиш бўйича амалий иш олиб борилаётир.

Айтиш жоизки, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қорақалпоғистон филиали жамоасининг бундай эзгу саъй-ҳаракатлари эл-юрт тараққиётига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ.** t

***Жиззах шаҳридаги "Согдиана Пай пласт" масъулияти чекланган жамиятида юқори босимга чидамли полиэтилен қувурлар тайёрлаш ўзлаштирилди.***

## Қурилиш маҳсулотлари кўпаймоқда

Бунинг учун Миллий банкнинг 925 миллион сўмлик сармоясидан самарали фойдаланилди. Натижада бу ерда 11 турдаги ва 88 хил ҳажмдаги сифатли ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилиб, 22 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Муҳими, қисқа фурсатда корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари ошиб, истеъмолчиларга 2 миллиард 700 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот етказиб берилди.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Изланиш**

***Тошкент вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётгани боис 2010 йилда бу борадаги ўсиш 20 фоизни ташкил этди.***

## Тадбиркор меҳмонхона қурди

Чинозлик тадбиркор Й. Усмонов саъй-ҳаракати билан бунёд этилган замонавий меҳмонхона биноси ҳам ана шу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг натижасидир. Икки қаватли, шинам ушбу бинода бир вақтнинг ўзида 50 нафар меҳмонга хизмат кўрсатиш мумкин. Куни кеча фойдаланишга топширилган мазкур мажмуада "Тараққиёт" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари 1 миллиард 740 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ҳамда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширдилар.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**

**ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ**

**«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ**

**болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида туғма фенилкетонурияли чақалоқлар учун болалар шифобахш озуқаси олишга**

**ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Мазкур лойиҳа доирасида тендерда эълон қилинган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва етказиш ҳуқуқига эга бўлган фирмалар тендер савдосида қатнашишга таклиф этилади.

Тендерда иштирок этишга имзоланган ариза ҳамда тўловнома нусхаси «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасига топширилгандан кейин қуйидаги манзилдан шахсан ёки курьер хизмати орқали тендер ҳужжатлари тўпламини олиш мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи — 150 (бир юз эллик) АҚШ доллари ёки эквивалент миқдорида миллий валютада тўлов ўтказиладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича.

Банк орқали тўлов қуйидаги ҳисоб рақамларига ўтказилиши керак:
* АҚШ долларида: ҳисоб рақами 20212840600431338001, банк коди 00407, УР ТИФ МБ ШАБ, СТИР 200548507;
* ўзбек сўмида: ҳисоб рақами: 20212000000431338001, банк коди: 00407, УР ТИФ МБ ШАБ, СТИР: 200548507.

**Тендер ўтказилишига доир саволлар билан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**
**«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, 100047, Ўзбекистон Республикаси,**
**Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй.**
**Телефон: (+998 71) 233-15-47. Факс: (+998 71) 233-02-89. E-mail: fondsau@yahoo.com**

Мулоқот учун шахс — Татьяна Марченко.
Тендер таклифларини топширишнинг сўнгги муддати — 2011 йил 27 апрель соат 14.00 гача (Тошкент вақти билан).

413R/343

Qishloq Qurilish Bank

**ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»**

**80 дона GSM/GPRS мобиль терминал**

***сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.***

*Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 20 кун давомида қабул қилинади.*

**Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**
**100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй.**
**Телефонлар: (+99871) 150-76-47, 150-76-48.**

465R/401

«Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси раҳбарияти ва жамоаси компаниянинг бошқарма бошлиғи ўринбосари Шавкат Атабековга укаси **Акбар АТАБЕКОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура ва қурилиш институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси институт ходимлар бўлими инспектори Нигора Акбар-ходжаевага волидаи муҳтарамаси **ФОТИМА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«O`zbekiston» телерадиоканали жамоаси Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар муҳарририяти мухбири Дилбар Ҳожиматовага волидаи муҳтарамаси **ОМОНОЙ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

***Хоҳ оила миқёсида бўлсин, хоҳ юрт мисолида олиб қаралсин, фарзанд тарбияси доимо энг долзарб вазифалардан бири бўлган. Истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб вояга етказишга алоҳида аҳамият берила бошлангани, бу соҳа ривожи учун каттадан-катта маблағлар сарфлаб келинаётганининг боиси ҳам айнан шунда.***

# ЁШ ИЖОДКОРЛАР ИСТИҚЛОЛ АРДОҒИДА

Шундай қилинмаса бўлмасди. Халқимиз маънавияти чинорининг илдизи беҳад чуқур эса-да, эркимизни асрлар давомида бўғиб, бизни ўзлигимиздан жудо қилишга тинимсиз уринган ҳукмрон кучлар унинг шохларини аямай буташдан чарчашмади, оламга бор бастимизни кўрсатишимизга йўл қўйишмади. Эркимизни қайтадан қўлга киритган эканмиз, энди биринчи галда, топталган ғуруримизни тиклашимиз, жаҳон ҳамжамияти даврасига мағрур кириб бориб, улар билан тенгма-тенг одимларга қодир, иззатга муносиб миллат эканлигимизни намойиш қила олишимиз зарур эди. Не ажабки, бир қарашда анча узоқ муддатни талаб этадигандек туюлган бу жараён мустақиллигимизнинг йигирма йили ичидаёқ ўзини тўлиқ намоён қилди, аллақачон дунё аҳлининг назарига тушиб улгурдик. Бунда, Юртбошимиз бот-бот таъкидлаб келаётганидек, янги замон руҳида тарбия топиб, янгича талабларга тез мослашиб бораётган ёш авлод вакилларининг улуши беқиёсдир.

Халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, эл-юртни оламга кенгроқ танитишда мислсиз аҳамият касб этувчи адабиётимиз ҳам бири-биридан истеъдодли ёшлар ҳисобига мустаҳкамланиб, давримиз нафасига ўта оҳангдош бўлган янгича овозлар билан бойиб бораётгани ниҳоятда қувончли ҳол. Бундай кўтаринкиликнинг юзага келишида давлатимиз раҳбарининг адабиётга, адабиёт аҳлига кўрсатаётган улкан ғамхўрликлари ижобий роль ўйнаётгани, шубҳасиздир. Айниқса, Президентимиз қарорига биноан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида "Ижод" фонди ташкил этилганлиги, энг аввало, ёш қаламкашларнинг ўз йўлини тезроқ топиб олишига қулай шароит яратди, уларнинг ўзига, эртанги кунига бўлган ишончини кескин орттирди.

Яққол чақнаб кўринган ёш адиблар китобини "Ижод" фонди ҳисобида нашр этиб бориш йўлга қўйилгани катта воқелик бўлди, десак, ҳеч қандай муболаға қилмаган бўламиз. Биз адабиётга кириб келган замонда баъзиларимизнинг 5-6 та шеъримиз, ҳатто ўттиз ёшимизда бирорта умумий тўпламда чиқса ҳам севиниб юрардик. Энди эса, ўтган йилнинг ўзида бири назмда, бири насрда, бошқаси бадиий-публицистик, адабий-танқидий жанрларда қалам тебратаётган Азизбек Анвар, Мафтуна Норматова, Жамшид Матёқубов, Зулхумор Мирзаева, Гўзал Матёқубова каби ёшларнинг биринчи китоблари ҳар бири 20 минг нусхада давлат ҳомийлигида чоп этилиб, таълим муассасалари кутубхоналарига тарқатилди. Бу йил яна 15 нафар ёш қаламкашнинг биринчи китобини ана шундай имтиёзли тарзда нашр этиш мўлжалланмоқда.



Аҳамиятли жиҳати, бу иш ўз оқимига ташлаб қўйилмай, ёшларимиз ўзларининг асарларини тажрибали адиблар назаридан ўтказиб олишлари ҳамда энг яхшиларини одилона саралашга эришиш учун аниқ дастур ишлаб чиқилган. Ўтган йили кузда ёзувчиларнинг Дўрмондаги боғида "Истеъдод мактаби" семинари ўтказилиб, бу анжуманга барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан ёш ижодкорлар таклиф қилинди. Улар устоз адиблардан сабоқ олиш билан бирга, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари бўйлаб сайр қилишди, қутлуғ масканларни зиёрат этишди. Адабиёт йўналишида Зулфия номидаги Давлат мукофотининг республика босқичига етиб келган уч нафар номзоднинг барчаси шу семинар иштирокчилари эканлиги, улардан бири бўлган Дилнавоз Қўлдошева унда ғолиб, деб топилганлигига эътибор қаратиш ўринлидир.

Иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш борасида вилоятларимизнинг ўзида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда адабий тўгараклар ҳам, тўгарак аъзоларининг сони ҳам мунтазам кўпайиб бормоқда. Вилоятлар бўйлаб адабий сафарларда бўлиб қайтган адибларимиз бу ҳолни ижобий баҳолаб, аксарияти ушбу соҳадаги ишлар, айниқса, Фарғона вилоятида намунали йўлга қўйилганини мамнуният билан эътироф этишди. Ҳақиқатан ҳам, бу вилоятда ёш қаламкашларни эъзозлаб тарбиялашга етарлича эътибор берилмоқда. Фарғона ва Марғилон шаҳарларидаги тўгаракларда таҳсил олганлар нафақат адабиётда, балки бошқа жабҳаларда ҳам ўзини яққол кўрсатаётган савияси баланд кадрлар бўлиб етишаётгани назарда тутилиб, ҳар бир туманда ана шундай тўгараклар ташкил қилинди. Алоҳида жойлар ажратилди, мураббийларга маош тайинланди. Биргина ўтган йилнинг ўзида вилоят ҳокимлиги ҳомийлигида "Ҳайрат булоқлари" ва "Марғилон гулшани" китоблари чоп этилди. Бунинг учун миллионлаб сўм маблағ сарфлангани ўз йўлига, бағрига бири 62 нафар, иккинчиси 45 нафар ёш ижодкорни жамлаган бу китоблар истеъдодли ёшларимиз кўпайиб бораётганини кўз-кўзлаб, адабиёт мухлисларининг кўнглини тоғдек кўтаришга хизмат қилиши биз учун муҳимроқдир. Бу китоблар тақдимоти ёш муаллифлар иштирокида Тошкентда ўтказилгани уларга эътиборнинг ёрқин намунаси бўлди.

Барчага маълумки, болалар учун ижод қилувчи адиблар дунё миқёсида ҳам жуда оз. Президентимизнинг биз, адиблар учун дастурил-амалга айланиб қолган "Адабиётга

**Ифтихор**

эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" рисоласида болалар адабиётини янада ривожлантириш зарурлиги хусусида батафсил тўхталиб ўтганлари бежиз эмас. Кичкинтойларда китобга, китоб орқали илму фанга меҳр уйғотишда, уларнинг диди ва онги тўғри шаклланиб боришига эришишда юксак маҳорат билан битилган бадиий асарлар ўрнини бошқа ҳеч бир восита босолмайди. Шундан келиб чиқилса, Ёзувчилар уюшмаси раҳбарияти болалар учун қалам тебратаётган ёш ижодкорлардан энг иқтидорлиларини пойтахтга таклиф этиб, "Болалар адабиёти кунлари" шиори остида беш кунлик семинар ўтказишга қарор қилингани айни муддао бўлди. Жойлардаги бўлимлар орқали уюшмага оқиб келаётган қўлёзмаларни Болалар ва ўсмирлар кенгаши фаоллари ҳозир синчиклаб кўздан кечиришмоқда. Дастлабки таассуротлар ўзбек болалар адабиётида муносиб ворислар пайдо бўлаётганидан далолат бермоқда.

Истиқлол даврида етишиб чиққан навқирон қаламкашларнинг ижод намуналарини жамланма китоб ҳолида нашр этишни "Шарқ" нашриёт-матбаа компанияси Бош таҳририяти мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб олдиндан режалаштириб қўйгани, шунингдек, мактаб ўқувчиларининг қадрдони ҳисобланмиш "Ғунча", "Гулхан" журналлари ва "Тонг юлдузи" газетаси, Чўлпон номидаги нашриёт рассомлари бу китобни безашда беминнат хизмат қилишга шайлиги мақтовга сазовордир. Яхшиликдан ҳамиша яхшилик туғилади.

Мухтасар қилиб айтганда, ёш адибларимиз ўз йўлини тезроқ топиб олиши, жаҳон адабиёти майдонига дадил кириб бориши учун кенг шароитлар яратилмоқда. Ёш қаламкашларимиз ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликка муносиб жавоб қайтаришларига ишонамиз.

**Анвар ОБИДЖОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

# МУТОЛААГА ОШНО, ИЛМГА ТАШНА

***Болаликда олинган билимни тошга ўйилган нақшга менгзашади. Аслида ҳам шундай. Китоб билан ошно тутинган бола фақат эзгуликка, юксакликка интилади, дунёқараши кенгаяди. Кутубхонамизга келаётган болаларни кўрганда, очиғи, ниҳоятда қувонамиз. Негаки, улар шунчаки китоб ўқишмайди, балки шу орқали фикрлашади, мулоҳаза юритишади, баҳслашишади. Айниқса, кутубхонада ташкил этиладиган кечалар, давра суҳбатларида уларнинг нечоғли билимдон эканлигига амин бўлиш мумкин.***

Кутубхоналар тизими ривожида Президентимизнинг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда ўз ахборот-ресурс марказига эга бўлган муассасамиз замонавий кутубхона технологияларини қўллаб, аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада яхшилашга ҳаракат қилмоқда. Бу ерда ўқувчиларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган саккизта бўлим ташкил этилиб, уларнинг ҳар бирида бўлимга оид адабиётлар, маълумот ва манбалар жамланган. Чунончи, ахборот-консультация бўлимида қомуслар, луғатлар, дарсликлар, газета-журналлар ўрин эгаллаган бўлса, "Оилавий мутолаа сектори"да ўзбек ва рус тилларидаги 2192 та китоб ва газета-журнал жамланган. 7895 минг китоб фондига эга бўлган ва мактабгача ёшдаги, шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларига хизмат кўрсатувчи "Кичик ёшдаги китобхонлар бўлими"нинг вазифаси эса болаларни кутубхонага жалб қилиш баробарида, уларнинг билим-маърифатга бўлган қизиқишларини орттиришдир.

**2 апрель — Халқаро болалар китоби куни**

Бугунги кунда кутубхонамиз 219 минг китоб фондига эга бўлиб, улар орасида ўзбек ва жаҳон болалар адабиёти дурдоналари жамланган. Шунингдек, хазинамиз даврий нашрлар билан доимий равишда тўлдириб борилади. Кутубхонамизда фаолият юритаётган ходимларнинг асосий қисми соҳа мутахассислари бўлиб, улар кутубхона ишини ташкил этиш, соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш борасида муайян тажрибага эга.

Муассасамизда ташкил этилаётган маданий-маърифий тадбирлар, жумладан, олимлар, педагоглар ва сиёсатшунослар иштирокидаги илмий конференциялар, семинар-тренинглар ёшлар қалбида миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизга бўлган ҳурматни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кутубхонада дунё ахборот-ресурсларига кириш бўлими ташкил этилди. Чунончи, Япония ҳукуматининг Маданият соҳасига беғараз ёрдам дастури доирасидаги гранти асосида кутубхона замонавий ахборот марказига эга бўлди ва бу ерда аудиовидео ҳамда грампластинкаларни рақамлаштириш студияси, лингафон зали иш бошлади. Айни пайтда замонавий техникалардан фойдаланган ҳолда хорижий тилларни ўрганиш, жаҳонда кечаётган адабий жараёнлар билан танишиш, илмий-оммабоп ва болалар учун яратилган фильмларни томоша қилиш имконияти бор.

Муассасамизда жисмоний имконияти чекланган, кўриш қобилияти паст китобхонлар учун аудиокутубхона, китобларнинг рус ва ўзбек тилидаги овозли ёзувлари ташкил этилган. Улар орасидан Ўзбекистон халқ ёзувчилари Пиримқул Қодировнинг "Ҳумоюн ва Акбар", Тоҳир Маликнинг "Чархпалак" асарлари, "Алпомиш", "Кунтуғмиш" достонлари ва бошқа ўзбек халқ оғзаки ижодидан намуналар, шунингдек, жаҳон мумтоз адабиёти намуналари ўрин олган. Ушбу аудиокутубхонада жами 800 дан ортиқ электрон адабиёт мавжуд.

Ушбу саъй-ҳаракатлардан асосий мақсад, Президентимиз таъкидлаганларидек, ёшларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишларини таъминлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшишдир.

**Дониёр ЎРОЛОВ,**
**Республика Болалар кутубхонаси директори.**

# МАДАНИЯТ хабарлари

***Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Ватанараннумига бағишланган кўргазма очилди. Унда рассом ва фотоусталарнинг она-Ватан, унинг фусункор табиати, миллий урф-одат ва анъаналаримиз акс этган асарлари ўрин олган.***

## ОНА ЮРТ ТАРАННУМИ

Кўргазманинг биринчи бўлимида Ф. Аҳмадалиев, Акмал Нур, Ғ. Қодиров, Р. Гаглоева, М. Исанов, Х. Зиёхонов сингари рассомларнинг ижод намуналари намойиш этилмоқда. Иккинчи бўлим эса фоторассомлар В. Соколов, К. Минайченко, С. Канаки ижодига бағишланган бўлиб, уларнинг асарлари томошабинни беихтиёр табиат қўйнига, юртимизнинг мафтункор гўшалари томон етаклайди.

— Ижодкорнинг бахти шундаки, у қалбидаги Ватан ҳақидаги гўзал туйғуларини қоғозга кўчиради. У чизган рангин суратлардаги бепоён далалар, мевасидан қадди дол дарахт ёхуд шаршара тасвирида Ватанга, она-табиатга бўлган меҳрни илғаш қийин эмас, — дейди мусаввир Дилором Мамедова. — Зеро, ҳар бир инсон ана шу Ватан бағрида азиздир.

Кўргазма 26 апрелга қадар давом этади.

**М. КАРИМОВА.**

***Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси Бухоро вилояти бўлими ҳузуридаги "Мавриги" ансамбли Голландия ва Бельгияда ижодий сафарда бўлди.***

## ЎЗБЕК ТАРОНАЛАРИ ДУНЁ КЕЗАДИ

"RASA" халқаро мусиқа ташкилоти томонидан ташкиллаштирилган мазкур ижодий сафар давомида юртдошларимиз Амстердам, Антверпен, Утрехт сингари йирик шаҳарларда концерт дастурини намойиш қилдилар. Улар томонидан ижро этилган миллий қўшиқлар ҳамда рақслар Шарқ мусиқаси ихлосмандларида катта таассурот қолдирди.

**И. ИСТАМОВ.**

# МАҚСАД – ҒОЛИБЛАР САФИДА БЎЛИШ

***Жорий йил мамлакатимиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари иштирокида Термиз шаҳрида ўтказиладиган "Баркамол авлод — 2011" спорт ўйинларига самарқандлик ёшлар ҳам қизғин тайёргарлик кўраяпти.***

Юртимизда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли спорт тизими ёшларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб улғайиши учун хизмат қилаётганини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, мазкур тадбирлар туфайли жойларда замонавий спорт мажмуалари, стадионлар барпо этилаяптики, бу келажагимиз эгаларининг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишларига катта имкониятлар яратаяпти. Ўзининг илк ютуқларини айнан шу мусобақаларда қўлга киритган ўнлаб самарқандлик спортчилар ҳам нуфузли халқаро турнирларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар.

Самарқандлик ёш футболчилар 2003 йили Андижонда ва 2005 йили Тошкент вилоятида ўтказилган "Баркамол авлод" спорт ўйинларида иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашган эди. Термизда ҳам улар ғолиблар сафидан жой олиш ниятида машғулотларни давом эттирмоқдалар.

Футбол бўйича вилоят терма жамоаси бош мураббийи Қаҳрамон Маматқуловнинг фикрича, ҳозир футболчиларнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлиги юқори даражада. Терма жамоанинг асосий қисмини Самарқанд Олимпия захиралари спорт коллежи ўқувчилари ташкил этади. Бошқа коллежлардан ҳам иқтидорли ёшлар таклиф қилинган. Айни пайтда саралаб олинган ёш футболчилар билан кунига икки марта машғулот ўтказилаяпти. "Динамо" футбол клуби базаси ва Олимпия захиралари маркази стадиони улар ихтиёрида.

Жамоанинг 2010 йили Бухорода ўтказилган халқаро мусобақада учинчи ўринни эгаллагани ҳам уларнинг мақсадлари жиддий эканидан далолатдир. Қолаверса, "Баркамол авлод" мусобақаларида вилоят терма жамоаси сафида қатнашган бир қанча футболчилар бугунги кунда республикамиз ва МДҲ мамлакатлари футбол клублари шарафини ҳимоя қилаяпти.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

**2010 — 2011 ўқув йили битирувчи бакалавр ва магистрларни йўлланмалар асосида ишга тақсимлаш бошланганлигини маълум қилади.**

Университет битирувчилари ўз соҳалари бўйича чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлиш билан бирга, бир қатор хорижий тиллар ҳамда замонавий ахборот технологияларини яхши ўзлаштирган малакали мутахассислар ҳисобланадилар. Битирувчи бакалавр ва магистрларга эҳтиёжи мавжуд бўлган корхона ҳамда ташкилот раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан университет раҳбариятига мурожаат этишлари мумкин. Талабномада буюртмачининг реквизитлари (почта манзили, телефон) ҳамда таклиф этилаётган лавозим тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Буюртмачилар университетга ташриф буюриб, бевосита битирувчилар билан учрашув ўтказишлари, битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари ҳимояларида иштирок этишлари мумкин. Сизнинг эътиборингизга таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича қуйидаги маълумотларни илова қиламиз. Битирувчилар тўғрисидаги батафсил маълумот билан университет веб-сайти (www.tiu.uz) орқали танишишингиз мумкин.

**Маълумотлар учун телефон: (8-371) 244-94-59, Тошкент ислом университети маркетинг хизмати бўлими, факс: (8-371) 244-94-59, 244-00-65.**
**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 100011, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.**
**E-mail: tiu_marketing@mail.ru**

**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИНИ 2010 — 2011 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ БАКАЛАВР ВА МАГИСТРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

| Т/р | Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар номи | Битирувчиларнинг умумий сони | Вилоятлик битирувчиларнинг сони | Шу жумладан, вилоятлар бўйича тақсимот: Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон | Бухоро | Жиззах | Навоий | Наманган | Самарқанд | Сурхондарё | Сирдарё | Тошкент вилояти | Фарғона | Хоразм | Қашқадарё | Тошкент шаҳри |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **БАКАЛАВРИАТ ЙЎНАЛИШЛАРИ** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Диншунослик | 39 | 22 | 1 | 5 | | 1 | 1 | 3 | | | 2 | 2 | 5 | | 2 | 17 |
| 2. | Юриспруденция (Ислом ҳуқуқи) | 35 | 27 | | 9 | 2 | 1 | | 1 | 1 | | | 4 | 6 | | 3 | 8 |
| 3. | Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар | 32 | 30 | | 5 | 2 | | 1 | 5 | 2 | 2 | | | 5 | 2 | 6 | 2 |
| 4. | Информатика ва ахборот технологиялари | 18 | 17 | | 2 | | 1 | 1 | 1 | | 1 | | 2 | 4 | 1 | 4 | 1 |
| | **Жами** | **124** | **96** | **1** | **21** | **4** | **3** | **3** | **10** | **3** | **3** | **2** | **8** | **20** | **3** | **15** | **28** |
| | **МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Диншунослик | 8 | 2 | | 1 | | | | | | | | 1 | | | | 6 |
| 2. | Исломшунослик | 12 | 6 | | | | 1 | | 1 | 1 | 1 | | 2 | | | | 6 |
| 3. | Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти | 5 | 4 | | | | | | 1 | | | | 2 | 1 | | | 1 |
| 4. | Мусулмон мамлакатлари ҳуқуқий тизими | 5 | 2 | | 2 | | | | | | | | | | | | 3 |
| | **Жами** | **30** | **14** | | **3** | | **1** | | **2** | **1** | **1** | | **5** | **1** | | | **16** |
| | **Умумий жами** | **154** | **110** | **1** | **24** | **4** | **4** | **3** | **12** | **4** | **4** | **2** | **13** | **21** | **3** | **15** | **44** |

464Я/357


# ОБ-ҲАВО

**(2 апрель)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғади. Кечаси ва кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Баъзи туманларда ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 8-13 даража илиқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 6-11 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 8-13 даража илиқ, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 6-11 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 7-9 даража илиқ, кундузи 19-21 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 403. 69417 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*
ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

т -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5